O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 14 октябрь, № 200 (4610) Сешанба

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР САМАРАСИ

**_Пойтахтимиздаги «Нафис» пойабзал ишлаб чиқариш корхонаси истиқлол йилларида ўзининг бўй-бастини борича намоён қила олди, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, мустақиллик эмин-эркин ишлаш, дунёга чиқиш имконини берди. Тўғри, ҳозирча «Нафис» тамғаси туширилган пойабзаллар фақат ички бозорга етказиб берилаяпти. Лекин унинг маҳсулотлари халқаро кўргазмаларда юқори баҳоланмоқда. Бу эса жамоани маҳсулотни дунё бозорига олиб чиқишдек эзгу мақсад йўлида дадил ишлашга ундаётир._**



Масъулияти чекланган жамият шаклидаги мазкур корхонада йилига пойабзалларнинг 350-400 та модель-нусхаси яратилади. Улар талаб-эҳтиёж ўрганилгандан сўнг ишлаб чиқаришга жорий этилади. Масалан, 2008 йилнинг ўтган 9 ойи давомида шу асосда 280 дан зиёд ана шундай модель яратилди. Натижада 8 миллион 244 минг сўм фойда олинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб икки баробар кўпдир.

**Изланиш**

Жамият Германия, Италия сингари давлатларнинг замонавий ускуна ва технологиялари билан жиҳозланган. Бу табиий чармдан замон талабларига мос оёқ кийимлари ишлаб чиқаришда қўл келаётир.

40 нафар киши меҳнат қилаётган корхона жамоаси 2007 йилни 9 миллион сўм соф фойда билан якунлаган эди. Жорий йилда бу кўрсаткич анча юқори бўлиши кутилаяпти. Чунки «Нафис»нинг оёқ кийимларига талаб ортиб бораяпти. Фирма дўконининг очилгани эса мижозларнинг талабини ўрганишда муҳим омил бўлмоқда. Иш бошлаганига икки ой бўлган ушбу дўконда тушум 10 миллион сўмни ташкил қилгани фикримиз далилидир.

Жамиятда тез орада янги йўналиш — трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади. Бунинг учун Кореядан 100 минг АҚШ доллари қийматидаги замонавий тикув дастгоҳлари келтирилаяпти. Ушбу линия ишга тушгач, 15 та янги иш ўрни очилиб, эркаклар ва аёллар кийим-кечаклари ишлаб чиқарилади.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

## МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг жорий йилнинг тўққиз ойидаги фаолияти якунлари сарҳисоби ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларига бағишланган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.***

### Тўққиз ой якунларига бағишланди

Қўмита раиси Б. Парпиев бошқарган йиғилишда асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 30 сентябрь куни бўлиб ўтган мажлисида муҳокама қилинган 2009 йил учун республикамизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг кўзда тутилаётган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, солиқ ва бюджет сиёсати концепцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси бўйича тақдим этилаётган таклифлар моҳиятига қаратилди.

Таъкидландики, 2009 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ сиёсатини ижтимоий ҳимоя нуқтаи назаридан қўллаш, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларни рағбатлантириш ҳамда уларга янада қулайликлар яратиш мақсадида солиққа тортиш механизмини соддалаштириш, солиқ юкини босқичма-босқич пасайтириб боришни давом эттиришга алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, 2009 йилда солиқ имтиёзлари кўламини янада кенгайтириш борасида ҳам бир қатор тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқдаки, улар юртимизда хусусий тадбиркорлик ривожига янада кенг йўл очади.

**(Давоми 2-бетда).**

***Урганч шаҳрида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

### Эркин жамият кўзгуси

Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар бошқармалари ҳамда оммавий ахборот воситалари, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят бўлими ходимлари, шунингдек, маҳалла фаоллари, коллеж ва мактаблар ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда йиғин иштирокчиларига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кўргазмали воситалар орқали батафсил маълумот берилди. Шунингдек, коллеж ва мактаб ўқувчилари ўртасида "Энг яхши ҳуқуқ билимдони" номинацияси бўйича ғолиблар аниқланди. Бундай учрашувларни узоқ қишлоқларда ҳам ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***"Ўзметкомбинат" жамоаси жорий йилда 8 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни режалаштирган.***

### Талабга яраша қувват

2007-2011 йилларга мўлжалланган техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизациялаш дастурига биноан корхонада қиймати 50 миллион АҚШ долларилик тўққизта инвестицион лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ушбу лойиҳа ҳаётга татбиқ этилгач, "Ўзметкомбинат"да ишлаб чиқариш ҳажми ошиши билан бир қаторда, маҳсулот тури ҳам кўпаяди. Бугунги кунда корхона маҳсулотларига нафақат ички бозорда, балки Марказий Осиё мамлакатларида ҳам талаб ортиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 60 фоизга яқини хорижга чиқарилаётир. 2011 йилга бориб "Ўзметкомбинат" йилига 322 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда 130 миллион АҚШ долларилик маҳсулотни экспорт қилишни йўлга қўйишни мўлжалламоқда.

**Ш. ЗАЙНИЕВА.**

***Наманган шаҳридаги «Helil Silk-ЛТД" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб тобора ортиб бораётир.***

### Инвестиция ҳисобига

Ҳозир корхона цехларида хориждан келтириб ўрнатилган, пиллани қайта ишлайдиган тўртта линия бир маромда ишлаб турибди. Йилига 300 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга бўлган ушбу замонавий технологиялар ёрдамида юқори сифатли, жаҳон андозаларига мос ипак тайёрланмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида экспорт ҳажми 450 минг АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотларимиз, асосан, Туркия, Эрон, Хитой сингари мамлакатларга экспорт қилинмоқда, — дейди корхона раҳбари Шарифжон Мамадалиев.

Корхонада юздан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланган. Бу ерда уларнинг унумли ишлаши ва кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароит яратилган.

**А. САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Миллий санъат марказида "Style.Uz" — учинчи мода ва дизайн ҳафталиги очилди. Мазкур тадбир "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда "Дом стиля" модалар уйи ҳамкорлигида ташкил этилмоқда.*

# КЎРКАМ ЛИБОСЛАР, НОЁБ ДУРДОНАЛАР

***пойтахтимизда бошланган «Style.Uz — 2008» мода ва дизайн ҳафталигида намойиш этилмоқда***

Шуниси эътиборлики, ҳафталик мода ва дизайн соҳасида эришилган ютуқ-муваффақиятлар билан яқиндан танишиш, янгиликларни кашф этиш, фэшн саноати ва дизайнерлик санъатининг таниқли намояндалари билан кенг кўламли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини беради. Қолаверса, лойиҳа юртимиздаги ёш дизайнерларнинг ноёб қобилият ва истеъдодларини юзага чиқариш, улар ижодини кенг танитиш, миллий анъаналаримиз, ўзбекона урф-одатларимиз ҳамоҳанглигида яратилган бетакрор либосларнинг жаҳон узра кенг танилишига хизмат қилади.

**Анъана**

Уч йилдирки, лойиҳа тадбирлари мамлакатимиз санъат аҳли ҳамда хорижлик мутахассисларнинг қизиқиш ва эътирофларига сазовор бўлиб келмоқда. Ўтган вақт мобайнида ҳафталик муносабати билан Европа ва Осиё минтақаларининг ёрқин истеъдодли дизайнерлари, таниқли санъат усталари юртимизда меҳмон бўлишди. Хусусан, "Style.Uz" ҳафталигида иштирок этган россиялик модельерлар — Вячеслав Зайцев, Валентин Юдашкин, Маша Цигаль, "Русский силуэт" жамғармаси президенти Татьяна Михалкова, франциялик Паскаль Морабито, Жон Риббе каби машҳур модельерлар юртимиздаги ёш дизайнерлар ижоди билан яқиндан танишиб, уларнинг ўзига хос услубини юксак баҳолашганди. Шунингдек, лойиҳа доирасида Франциядаги "Smalto", "Feraud", "Ines de la Fressange" сингари таниқли мода уйлари вакиллари, "Great de la Mode" Франция таълим муассасалари ассоциацияси мутахассислари, Париж мода лицейи вакиллари ҳамда жаҳоннинг етакчи фэшн-сураткашлари иштирок этишиб, юртимиз санъати ва маданияти, миллий анъаналаримиз ҳамда бебаҳо меросимиз намуналари билан яқиндан танишдилар.

— Бу галги "Style.Uz" ҳафталигида йирик халқаро ташкилотлар вакиллари, таниқли дизайнерлар, заргарлар, шоу-бизнес вакиллари, халқаро мода журналлари ижодкорлари ва бошқа жамоат арбоблари қатнашмоқда, — дейди "Осиё рамзи" модельерлар уюшмаси раиси Холида Комилова. — Хусусан, Германия, Австрия, Ҳиндистон, Франция, Италия, Исроил, Швейцария, Япония ҳамда Хитой давлатларининг мода соҳасидаги телекомпания ва ташкилотлари вакиллари ҳафталик тадбирларига катта қизиқиш билдиришмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

# «INTERSOK»НИНГ ЯНГИ ЛИНИЯСИ

***Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракати қўллаб-қувватланиб, ишбилармонларга бир қатор имтиёзлар берилгани уларнинг сафи йил сайин кенгайишига хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, бундай шарт-шароит ва яратилган қулай инвестицион муҳит хорижлик ишбилармонларнинг юртимизга бўлган қизиқишини тобора оширмоқда.***

Натижада кўплаб қўшма корхоналар ташкил этилиб, ички бозоримиз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан бойиб бораяпти. Пойтахтимиздаги «InterSok» қўшма корхонаси импорт ўрнини босувчи, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ана шундай корхоналардан биридир.

2005 йилда ташкил этилган мазкур корхонада юртимизда етиштирилган ширин-шакар мева ва сабзавотлардан табиий шарбатлар ишлаб чиқарилади. Айниқса, бугунги кунда "Сочная долина" тамғаси остида чиқарилаётган маҳсулотларга қўшни давлатларда ҳам талаб ортиб бораяпти.

**Модернизация**

Буни инобатга олган корхона жамоаси жорий йилда яна 6 хилдаги маҳсулот тайёрлашни ўзлаштирди. У истеъмолчиларга "Вико" ёрлиғи билан етказиб берилаётир.

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, маҳсулот сифати ва кўринишини янада яхшилаш мақсадида эса яқинда корхонада янги линия ўрнатилди. Эндиликда Швециянинг "Tetra Pak" компаниясида тайёрланган мазкур замонавий технология ёрдамида бу ерда кунига 100 минг литр маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Мутахассисларнинг айтишича, ускунани бошқариш учун қўл меҳнатига ҳожат йўқ. Иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган бўлиб, у назорат қилиб турилса, кифоя.

Янги линиянинг ишга туширилиши муносабати билан тақдимот бўлиб ўтди. Иштирокчилар унинг афзалликлари ҳақида атрофлича маълумот олишгач, шарбат ишлаб чиқариш жараёни билан яқиндан танишдилар.

**Р. САИДОВ.**

*Хабарингиз бор, 2005 йил 10-11 октябрь кунлари Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда I Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ташкил этилган эди. Ўшанда давлатимиз раҳбари мазкур нуфузли тадбир — Ўзбекистон Халқаро пахта ярмаркаси иштирокчиларига табрик йўллаб, унда "Бугун очилаётган ярмарка Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар самараси бўлиб, мамлакатимизнинг жаҳон пахта бозоридаги энг етакчи иштирокчилардан бири сифатида нуфузи тобора ошиб бораётганидан далолат беради", дея алоҳида таъкидлаган эди.*

# ПАХТАМИЗГА ЖАҲОН ХАРИДОР

**Бугун Тошкентда IV Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш бошлайди.**

Ўтган йиллар мобайнида бу ҳақиқатнинг нақадар тўғри эканлигини ҳаётнинг ўзи тўлиқ исботлади: агар 2005 йилда ўтказилган биринчи ярмаркада жаҳоннинг 30 мамлакатидан қарийб 170 та компания вакиллари иштирок этган бўлса, бултур 35 та давлатда фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг 450 нафардан зиёд вакиллари қатнашди. Шу муддат ичида ўзбек пахтаси толасининг экспорт ҳажми ошганлиги, айниқса, эътиборга молик. Ҳозирда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ана шу қимматбаҳо саноат хом ашёсининг 60 фоизи Осиё, 20 фоизи Европа, 15 фоизи эса Ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилинаётгани фикримизга ёрқин далил бўла олади.

Дарҳақиқат, буларнинг бари мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолиги ва ташаббуси билан республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачилик тармоғида изчил жорий этилаётган ислоҳотларнинг амалий натижасидир. Биз нималарни назарда тутаяпмиз?

Аввало, юртимизда пахта етиштириладиган асосий ер майдонлари унинг ҳақиқий эгалари — фермерлар тасарруфига ўтказилиб, уларнинг сув, минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари, банк кредитлари ва техника воситаларидан эмин-эркин фойдаланишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Айни пайтда, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали унинг унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш вазифалари аниқ-равшан белгилаб берилди. Шунингдек, олимларимиз ва селекционерларимиз олдига юқори сифатли, касаллик ҳамда зараркунандаларга чидамли, серҳосил ва тезпишар ғўза навларини яратишдек

**(Давоми 2-бетда).**

**Бир рақам шарҳи**

# КИЧИК БИЗНЕС ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА



**2008** йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан берилган кредитлар миқдори **46,2** фоиз кўпайди.

Ўтган даврда республикамизда мавжуд тижорат банклари фаолиятини рағбатлантириш натижасида уларнинг устав капитали ва кредит қўйилмалари ҳажми муайян даражада оширилгани бунга имконият яратди.

**Демократик ҳуқуқий давлатлар олдида турган энг асосий вазифа — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда уни амалга ошириш учун шарт-шароитларни яратишдан иборат. Ўзбекистон ҳам демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан борар экан, мамлакатда яшовчи кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун, аввало, мамлакатда ҳуқуқий асос яратилди, яъни умумэътироф этилган халқаро ҳужжатлар қоидаларига мос келувчи инсон ҳуқуқ ва эркинликлари республика Конституциясида белгилаб қўйилди.**

▼ Менинг Конституциям

# ИНСОН АЗИЗ

Шунингдек, уни амалга ошириш механизми жорий қилинди. Бунинг учун эса қонун чиқарувчи, ижро қилувчи, суд ҳокимияти ва прокуратура органларини ривожлантириш, уларнинг тизимларини ислоҳ қилишдек вазифа мустақиллик йилларининг илк даврларида ечилиши лозим бўлган муаммолардан бири эди. Бу муаммолар йил сайин ўз ечимини топиб бормоқда.

Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Демократия нима? Дунёда қанча одам бўлса, бу саволга ҳар бирининг ўз жавоби бор. Демократия тўғрисидаги фикрлар турли-тумандир. Фикрларнинг хилма-хиллиги (плюрализми) ҳам демократиянинг муҳим белгиси, аслида.

Шунга қарамай, дунёда бугун демократия тўғрисида муайян мўътадиллашган тасаввур мавжуд. Демократик жамиятнинг қиёфаси, асослари, яшаш ва ривожланиш механизмлари борган сари аниқлик касб этмоқда.

Бенжамин Франклин XVII аср охирида демократияни «Балқиётган қуёш» деб тавсифлаган эди. Ҳатто, орадан икки юз йилдан кўп вақт ўтганига қарамай, учинчи минг йилик бошида ҳам унинг сўзлари ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Бутун дунёда тобора кўпроқ кишилар бахтли келажак ҳамда фаровон турмуш сари интилиш ва умидларини айнан демократия билан боғламоқдалар.

Конституция Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамияти, яъни халқнинг ўзи бевосита бошқарадиган жамият ва демократик ҳуқуқий давлат қуришни асосий мақсад қилиб қўяди. Унда жами дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон эканлиги ёрқин мужассамлаштирилган.

Умуминсоний қадрият деганда барча миллат ва элатларнинг моддий ва маънавий манфаатларига хизмат қиладиган объектларни тушунамиз. Инсонни улуғлаш, уни муҳофаза қилиш ва ҳар томонлама камол топтириш эса Конституциянинг асосий ғоясига айланган. Асосий Қонунимиз Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган ва айтиш мумкинки, уни янада тўлдирган. Конституциямизнинг 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, дейилган. Бу Ўзбекистоннинг умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланган давлат эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда одамларнинг миллатига, динига, ижтимоий аҳволига, сиёсий ва бошқа эътиқодига қараб чеклашлар йўқ. Чунончи, Конституциянинг энг муҳим қисмларидан бўлган иккинчи бўлими инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Конституциянинг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, у фақат фуқароларни, яъни давлатимизга мансуб кишиларнигина эмас, балки Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча инсонларнинг муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқларини мустаҳкамлайди. Чунки бизда инсон ҳамма нарсадан муқаддас ва дахлсиздир. Қонундан ташқари ҳеч ким уни бу ҳуқуқдан маҳрум этиши мумкин эмас.

Инсоннинг шаъни ва ор-номуси ҳам дахлсиз ҳисобланади. Ҳеч ким инсоннинг шахсий ёки оилавий ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашиши, оилавий сир-асрорларини ошкор қилиши, инсоннинг уй-жой дахлсизлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Инсонни камситиш, обрўсизлантириш, ҳақорат қилиш, таҳқирлаш қонунга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади ва бундай ҳаракатлар учун қонун бўйича тегишли жавобгарликлар мавжуд. Инсон ҳаётига тажовуз қилиш эса энг оғир жиноят ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳар қандай давлат органининг фаолияти инсон ва жамият фаровонлигига хизмат қилишга, уни юксалтиришга қаратилган. Давлат ўз вазифасини тегишли органлари орқали амалга оширар экан, ижтимоий адолат ва қонунийликка амал қилиши лозим бўлади. Демократик-ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим шартларидан бири инсон ва шахс манфаатларининг ҳамма нарсадан устунлигидир. Қонунийлик принципи деганда, аввало, қонунларнинг ва унинг асосида қабул қилинган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролар томонидан аниқ ва оғишмай бажарилиши лозимлиги тушунилади.

Қонунийлик принципи қонунларнинг юридик ҳужжатлар тизимида олий кучга эга эканлигини, барча учун баробарлигини, жамият аъзоларининг барчаси учун мажбурийлигини англатади.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва уларни амалда қўллаш — жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми, халқ ҳокимиятчилиги, маданий қадриятлар, давлатнинг жамоат ташкилотлари ва партияларнинг бутун ташкилий фаолияти билан, шунингдек, турли хил юридик қоида ва меъёрлар тизими билан таъминланган.

Инсоннинг озодлиги ва шахсий дахлсизлиги, шунингдек, ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёҳуд қамоқда сақланиши, бу бирон-бир шахснинг қонунга асосланмаган ҳолда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмаслигини англатади. Шу маънода айбсизлик презумпцияси, шахснинг суд муҳокамасида адолатли ҳимоя ҳуқуқи билан таъминланиши мазкур қоидага амал қилинишининг муҳим кафолати ҳисобланади. Шунингдек, башарти шахс ноқонуний, асоссиз ҳибсга олинса, қамоқда сақланса, давлат уни тегишли товон билан таъминлашга мажбур.

Шахснинг шаъни ҳамда қадр-қиммати унинг ҳаёти ва соғлиғи ёки шахсий эркинлиги сингари такрорланмайдиган бойликдир. Инсон ҳуқуқлари ва озодлигининг ким томонидан бўлса-да, бузилишидан ҳимоя қилишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кафолат рамзи бўлиб хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократия сингари умумбашарий қадриятлар республикамизнинг миллий давлатчилик манфаатларига тўла мос келади. «Инсоннинг энг устувор ва муқаддас ҳуқуқларидан бири, — деб таъкидлайди Президентимиз Ислом Каримов, — бу тинч яшаш ҳуқуқидир. Давлат ва жамиятнинг бурчи ана шу ҳуқуқни барча қонуний воситалар билан кафолатлаб беришдир. Бу ҳуқуқни амалга ошириш — давлат ва жамиятни демократиялаштиришнинг энг муҳим шартидир. Демократиянинг инсонпарварлиги шу билан белгиланади».




*«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.*
*Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва бошқа қонунлар билан ҳимоя қилинади».*

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасидан.**

**Баҳодир ИСМОИЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори.**

## «МЕТРО» ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ:
# ОЧИҚ МУЛОҚОТ

**Тошкентда 14-16 октябрь кунлари “Метро” халқаро ассоциацияси таркибига кирувчи метрополитенлар раҳбарлари кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади. Тошкент метрополитени бошқаруви бош муҳандиси Исмоил БАҲОДИРОВ ЎзА мухбирига ушбу халқаро ташкилотнинг мақсад ва вазифалари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— “Метро” халқаро ассоциацияси бугунги кунда МДҲда фаолият кўрсатаётган 15 та — Тошкент метрополитени, Россиянинг 7 та метрополитени, Украинадаги 3 та, Грузия, Арманистон, Озарбойжон, Беларусдаги 1 тадан метрополитенни ўзида бирлаштирган. Бундан ташқари, ушбу ташкилот таркибига вагонлар ва уларнинг бутловчи қисмлари, технологик ускуналар, эскалаторлар, ўқли вентиляторлар, сув чиқариш қурилмалари ва бошқа механизмларни ишлаб чиқарувчи Россия ва Украинадаги тўртта завод ҳам киради.

Барча метрополитенлар ягона технологик тартиб асосида қурилган ва улардан шу тарзда фойдаланилади. Бу мутахассисларга самарали ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш, фаолиятнинг умумий стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш имконини кенгайтиради. Шу сабабли уларни касбий хусусиятларга кўра бирлаштирувчи органни ташкил этиш зарурати пайдо бўлди. 1992 йилнинг февралида ташкил топган “Метро” халқаро ассоциацияси ана шундай орган вазифасини ўтаб келмоқда.

Метрополитенлар учун мазкур ассоциациянинг ахборот-таҳлил фаолияти катта аҳамият касб этади. Чунки барча метрополитенлар асосий ишлаб чиқаришга оид ва иқтисодий кўрсаткичлар, ҳаракатланиш хавфсизлиги ҳолати тўғрисидаги ахборот, фойдаланилаётган ускуналардаги камчиликлар ва уларни бартараф этиш ёки камайтириш хусусидаги маълумотлар билан мунтазам алмашиб туради.

Ассоциация илмий-техник тараққиёт ва метрополитенлар хизматлари фаолиятига оид режаларнинг бажарилиши асосида метрода қўллаш учун қулай бўлган энг сўнгги техник ишланмалар ҳамда замонавий технологиялар билан таништириб боради. “Метро” ассоциацияси асосий эътиборни бевосита йўловчиларнинг хавфсизлиги ва улар учун қулайлик яратишга хизмат қиладиган ускуналар ҳамда техник воситаларни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этишга қаратмоқда. Булар жумласига ҳаракатланувчи таркиб, эскалаторлар ва ер ости шамоллатгичлари фаолияти киради.

Ассоциация томонидан ўтказиладиган йиғилишлар, муайян муаммо ва метрополитенлар фаолияти якунларига бағишланган семинарлар ҳам катта амалий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Одатда, йил давомида турли шаҳарлар ва ҳудудларда бир неча шундай тадбир ўтказилади. Уларда ҳамкасблар нафақат ўзаро тажриба алмашиш, айни пайтда бевосита техник янгиликлар ва ютуқлар билан танишиш имкониятига ҳам эга бўлади. Масалан, Москва ва Петербургда йўловчиларнинг метрога кириш ва йўл ҳақини тўлаш учун смарт-карталардан фойдаланиш тизими жорий этилган. Тошкент ҳамда Бокудаги метрополитенлар ҳам ушбу янгиликни жорий этишдан манфаатдорлиги бундай ҳамкорликка мисол бўла олади.

Тарихда илк бор ассоциация томонидан Москвада поезд диспетчери учун ноёб тренажёр тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Ушбу тренажёрда реал вақт оралиғида поездлар ҳаракатини бошқариш ва турли ташқи монелик эҳтимолини яратган ҳолда, уларни бартараф этиш йўлларини топишга ҳаракат қилиш мумкин. Ундан Ҳамдўстлик мамлакатларидаги барча метрополитенлар диспетчерларининг малака ошириши учун фойдаланиш мумкин.

Ассоциациянинг эътиборга молик ишларидан яна бири — вагон ускуналарини ишлаб чиқарувчи заводлар билан келишилган ҳолда, ҳаракатланувчи таркибнинг талабга жавоб бермайдиган қисмлари, механизмлари ва деталларини модернизация қилиш бўйича тадбирлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Бу борада, вагонларни таъмирлаш ишларининг ҳажми ўзгартирилган ҳолда, уларнинг хизмат қилиш муддатини узайтириш борасида саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда техник кенгашлар ва семинарлар ўтказиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ассоциация қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиб бормоқда. Ишлаб чиқилган барча янгиликлар синовдан ўтиб, амалда самарали қўлланилмоқда. Уларни жорий этиш самарадорлиги ошмоқда. Ассоциация фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши — амалдаги меъёрий-техник ҳужжатларга зарур тузатишлар киритиш ва янгиларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Метрополитенлар олдида турган масалаларни ҳал қилиш бўйича ўтказилган кенгашлар ва конференциялар илгари белгиланган техник ривожланиш йўналишларининг тўғрилигини тасдиқламоқда.

Шу тариқа техник ташхис қўйиш воситаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари йўлга қўйилди, иншоотлар ва жиҳозларнинг ҳолати ҳақида электрон маълумотлар базаси яратилмоқда, исталмаган жараёнлар ривожланишини прогноз қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Метрополитен, линия, хизматлар, оралиқ масофа ва станцияларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари жорий этилмоқда. Турли мутахассислар учун автоматлаштирилган иш жойлари яратилмоқда.

Энергияни, энг аввало, иссиқлик энергиясини тежаш имконини берадиган технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мухтасар айтганда, метрополитенларнинг жадал ривожланишини белгилаб берувчи технологик инновациялар ниҳоятда хилма-хилдир.

“Метро” халқаро ассоциацияси барча мавжуд муаммолар бўйича ижобий натижага эришиш, илғор тажрибани ўрганиб, уни оммалаштиришни ўзининг асосий вазифаси деб билади. Бу гал ҳам йиғилиш кун тартибида йўловчиларни ташиш хавфсизлиги масаласи, шунингдек, МДҲ ҳудудида энг яхши метрополитенлардан бири ҳисобланган Тошкент метрополитени ютуқларини ўрганиш масаласи асосий ўрин тутади.

Маълумки, Тошкент метрополитени 1977 йилда фойдаланишга топширилган. Биринчи йўналиш тўққизта станциядан иборат бўлиб, кейинчалик унга яна учта станция қўшилди. 1984 йили пойтахт марказини “Тошкент” темир йўл вокзали билан боғловчи, бешта станциядан иборат иккинчи йўналиш очилди. Кейинги йилларда ҳам йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида янги йўналишлар очилиб, янги станциялар ишга туширилди. 2001 йилда эса олтита станцияни ўз ичига олган “Юнусобод” йўналиши фойдаланишга топширилди.

Бугун Тошкент ер ости йўлининг умумий узунлиги 39 километрга тенг бўлиб, у 29 та станцияни ўз ичига олган учта йўналишдан иборат. Ўрта ҳисобда кунига 300 минг киши метро хизматидан фойдаланади. Келгусида пойтахтимизнинг айланма ҳалқа йўлигача етиб борадиган “Юнусобод” йўналишининг яна учта станциясини ишга тушириш мўлжалланмоқда.

Ассоциация аъзолари орасида қарор топган ишчанлик муҳити долзарб муаммоларни самарали муҳокама этиш, фикр алмашиш, ҳамкорликнинг янги йўлларини белгилаб олиш имконини беради.

**ЎзА мухбири Виктор НИКОЛАЕВ ёзиб олди.**

▼ Жараён

***Тошкентда қон тизими касалликлари профилактикаси, диагностика ва даволашнинг замонавий технологиялари ҳамда трансфузиология соҳаси масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

## ДАВОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

Икки кун давом этган мазкур тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти, Гематологлар ва трансфузиологлар уюшмаси, “Саломатлик-2” ҳамда Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган лойиҳаларнинг қўшма бюроси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда Россия, Германия, Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам тадқиқотчи олим ва шифокорлар иштирок этдилар. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, биринчи навбатда, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни камолга етказиш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, йиғинда илм-фанда эришилаётган ютуқларни амалга татбиқ этиш гематология хизматини янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этиши айтиб ўтилди. Бундан ташқари, соҳада келажакда қилиниши лозим бўлган масалалар юзасидан ҳам атрофлича фикр алмашилди.

**Ф. САНАЕВ.**

## Муқим иш жойлари

***Навбаҳор туманида хотин-қизларни ишга жойлаштириш ҳамда уларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, йил бошидан буён 169 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.***

Туман хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан “Насиба Зиё” ўқув маркази иш бошлади ва унда етти хил йўналиш бўйича машғулотлар олиб борилмоқда. Бу эса ёш қизларни замонавий касбларга йўналтириш билан бирга, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига кўмак беради.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



# ПАХТАМИЗГА ЖАҲОН ХАРИДОР

(Давоми. Боши 1-бетда).

масъулиятли вазифа қўйилди. Пировардида “С-6524”, “Бухоро-6”, “Наманган-77”, “АН-Боёвут-2”, “Омад”, “Бухоро-102”, “Бухоро-8”, “Оқдарё-6”, “Меҳнат”, “Хоразм-127” ва “Андижон-35” каби иқлим ҳамда тупроқ шароитимизга мос, дунё тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб берадиган, яъни эртапишар, тола чиқиши ҳатто 40 фоизгача етадиган навлар районлаштирилди. Айни чоғда пахта хом ашёсини дастлабки ишловга тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш самарадорлигини ошириш мақсадида сўнгги йилларда “Ўзпахтасаноат” уюшмасига қарашли Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Бухоро, Навоий, Хоразм ва бошқа вилоятлардаги 14 та пахта тозалаш корхонасида модернизация қилиш ва реконструкциялаш, 41 та корхонада эса ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ишлари рўёбга чиқарилди. Бу, ўз навбатида, юқори сифатли тола олиш ҳажмини кўпайтириш, жаҳон андозаларига мос маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган сарф-харажатларни камайтириш ҳамда унинг таннархини арзонлаштириш имконини берди. Шу билан бирга, пахта толасини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш учун унинг сифатини кафолатловчи тизим – таснифлаш ва сертификатлаш билан шуғулланувчи “Сифат” маркази ташкил этилди. Европадаги етакчи пахта уюшмаларининг аъзоси бўлган мазкур марказдаги замонавий технологиялар ва лабораториялар ёрдамида эндиликда толанинг узунлиги, пишиқ-пухталиги, таъсир коэффициенти, микронейр, калта тола улуши, ифлослиги, бараварлик индекси, чўзилиши каби хусусиятлари мукаммал аниқланаётир. Эътиборлиси, мутахассислар бундай тизимларга дунёда пахта етиштирувчи 70 дан зиёд мамлакатларнинг аксарияти эга эмаслигини қайд этмоқдалар.

Бугунги кунда Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасини ҳар йили ўтказиш анъанага айланганi, яъни толамизга бутун жаҳон харидорлигининг асосий омиллари шулардан иборатдир. Бу омиллар эса ҳар гал ўзига хос янгича шакл-шамойил, мазмун ва жозибада намоён бўлмоқда. Пировард натижада, Президентимиз таъкидлаганидек, мазкур ярмарка ўзбек пахтасини экспорт қилиш борасида Ўзбекистоннинг ва ҳамкорларимизнинг узоқ муддатли манфаатларига мос келадиган янги, самарали воситаларни ривожлантиришга, истиқболда янада ишончли, барқарор иқтисодий муносабатлар ўрнатиш учун мустаҳкам асос яратишга хизмат қилмоқда. Бу йилги нуфузли тадбирда қатнашиш учун ҳар қачонгидан кўп ариза қабул қилингани фикримизни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

# ТЎҚҚИЗ ОЙ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш, инвестициялар жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган шарт-шароитлар янада яхшиланади. Ҳайъат йиғилишида мазкур таклифларни солиқ тўловчилар, ишбилармон доиралар ва кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар белгилаб олинди.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга даромадлар тушуми кўрсаткичларини тўла бажариш, боқиманда ва ортиқча тўловларни қисқартириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётганлиги туфайли белгиланган прогноз кўрсаткичлари бажарилганлиги таъкидланди. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар — Пенсия жамғармаси, Республика йўл ва Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаларига оид кўрсаткичлар ҳам уддаланди. Аммо Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида солиқ тўловчиларни тўлиқ қамраб олиш, ҳисобланган ажратмаларнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш, мавжуд солиқ қарздорлиги миқдорини қисқартириш ва солиқлар йиғилувчанлиги даражасини ошириш борасидаги ишлар талабга тўла жавоб бермайди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, пул муомаласини барқарорлаштириш ҳамда савдо ва пуллик хизмат кўрсатишдан тушумларнинг банкларга тўлиқ топширилиши борасидаги қарорлар ижроси юзасидан Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Хоразм ва Навоий вилоятларида етарли ишлар қилинмаётганлиги айтиб ўтилди.

Ҳайъат йиғилишида Наманган, Сурхондарё вилоятлари солиқ хизмати органларида содир этилган салбий ҳолатлар — порахўрлик, мансабни суиистеъмол қилиш, солиқ тўловлари ҳамда бошқа товар-моддий бойликларни ўзлаштириш каби жиноий хатти-ҳаракатларга танқидий баҳо берилиб, тизим ходимларининг ўз ваколатлари доирасида ҳалол, пок ва масъулият сезиб фаолият юритишига эришиш учун лозим барча чоралар кўрилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

Муҳокама давомида ҳудудий солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, камчиликларга йўл қўйган раҳбар ва масъул ходимларга нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари кўрилди. Жорий йилнинг тўққиз ойи якунлари бўйича жиддий нуқсонларга йўл қўйган ҳамда энг паст кўрсаткичларга эришган Тошкент вилоятининг Бўка тумани ва Наманган вилоятининг Янгиқўрғон тумани давлат солиқ инспекциялари бошлиқлари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Йиғилишда солиқ тизими олдига қўйилган долзарб вазифаларни самарали бажаришга оид тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

# КЎРКАМ ЛИБОСЛАР, НОЁБ ДУРДОНАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу йилги тадбирга “Сиси Васаби” (Германия), “Ревийон” (Франция), "DSQUAIRED2" (Италия), “Ги Ларош” (Франция) каби жаҳонга машҳур мода уйлари, россиялик дизайнерлар Алёна Ахмадуллина ва Юлия Далакян, япониялик Норио Сурикабе, Ҳиндистондан Сунит Варма, Пекин Либос технологиялари институти вакиллари ўз коллекцияларини намойиш этмоқда. Ҳафталикнинг фахрий меҳмонлари орасида Такада Кензо, маҳоратли сураткаш Андрэ Рау, таниқли рассом Михаэль Фукс ва бошқалар бор.

Мода ҳафталиги доирасида замонавий дизайн йўналишлари ва шарқона ўзига хослик уйғунлигидаги либослар кўргазмаси, хорижлик модельерларнинг маҳорат-дарслари ва улар ижодига бағишланган махсус намойишлар ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, оқшом либослари намойиши, тақдимот маросимлари, қадимий буюмлар кўргазмаси ўтказилмоқда. Ҳафталикнинг якуний гранд-дефилеси бўлмиш анъанавий Миллий либослар фестивали қўҳна Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтади.

Мода ва дизайн ҳафталигида ўз тўпламларини мамлакатимизнинг энг иқтидорли дизайнерларидан Саида Амир, Артём Дробишев, Шерзод Отабоев, Guli ва бошқалар намойиш этишмоқда.

— Ўтган йили ҳам “Style.Uz” лойиҳасида қатнашган эдим, — дейди франциялик моҳир сураткаш Андре Рау. — Юртингизга бу йилги ташрифим доирасида “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси билан ҳамкорликда янги фототўплам яратмоқчиман.

Ҳафталикнинг биринчи куни испаниялик таниқли қўшиқчи Хулио Иглесиаснинг Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида бўлиб ўтган концерти билан якунланди.

Ниҳоятда қизиқарли ўтаётган “fashion”-тадбирлар дастури фақатгина мода ихлосмандлари эътиборини жалб этиш билан чекланмайди. Унинг доирасида “Underground” ёш дизайнерлар коллекциялари намойиши, австриялик рассом Михаэль Фукс иштирокида фотосуратлар ва график ишланмалар танлови, рассом Ғофур Қодировнинг «Самовий отлар» кўргазмаси, «Асрлар оша, илк бор» деб номланган нодир буюмлар экспозицияси бўлиб ўтади. Бундан ташқари, хорижлик дизайнерлар томонидан ташкил этилаётган маҳорат дарсларига йигит-қизларимиз катта қизиқиш билан қатнашишмоқда. Тадбир доирасида пойтахтимизнинг энг шинам гўшаларига саёҳат, заргарлик буюмлари тақдимоти сингари қатор дастурлар ташкиллаштирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, пойтахтимиз мода соҳасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилувчи, истеъдодли йигит-қизларимиз учун беқиёс имкониятлар эшигини очувчи яна бир муҳим анжуманга мезбонлик қилмоқда.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 14 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 886,25 | 1 Малайзия ринггити | 380,89 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 2272,50 | 1 Польша злотийси | 506,32 |
| 1 Дания кронаси | 242,27 | 1 СДР | 2039,65 |
| 1 БАА дирҳами | 363,88 | 1 Туркия лираси | 934,38 |
| 1 АҚШ доллари | 1336,53 | 1 Швейцария франки | 1176,42 |
| 1 Миср фунти | 242,34 | 1 ЕВРО | 1804,45 |
| 1 Исландия кронаси | 13,74 | 10 Жанубий Корея вони | 10,71 |
| 1 Канада доллари | 1136,89 | 10 Япония иенаси | 133,79 |
| 1 Хитой юани | 195,73 | 1 Россия рубли | 51,00 |
| | | 1 Украина гривнаси | 271,26 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

